


РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ



Феруза Акрамова, Замира Билолова

ОИЛАДА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

Илмий- услубий қўлланма



ТОШКЕНТ - 2016

Акрамова Феруза, Билолова Замира

Оилада келишмовчиликларни бартараф этиш психологияси.
Услубий қўлланма. – Тошкент: РОИАМ, 2016. 36 б.

Масъул муҳаррир:

Хафиза Мамадалиева – иқтисод фанлари номзоди

Тақризчилар:

Б.Умаров – психология фанлари доктори, профессор

Ш.Халилова – педагогика фанлари доктори, профессор

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан эълон қилинган “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” номли грант лойиҳасининг “Ўзбекистон оилаларида соғлом психологик муҳитни таркиб топтиришда шахслараро муносабатларнинг илмий-назарий ва методологик муаммолари” мавзусидаги илмий – тадқиқот иши доирасида тайёрланди.

Услубий қўлланмада оилада кузатиладиган эр-хотин, ота-она ва фарзанд, қайнона-келин муносабатларидаги келишмовчиликлар, уларнинг асосий сабаблари, бу хатоликларни бартараф этишда ота-оналар, эр-хотин, қайнона ва келинларга зарур бўладиган маслаҳатлар атрофлича баён этилган.

Услубий қўлланма Республика “Оила” илмий – амалий маркази Илмий-услубий Кенгашининг 2016 йил 10 октябрдаги 4-сонли баёнига асосан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

“Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало, ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқ, инсоний муносабатлар асосига қуриш айти муддао бўлур эди”.¹

Ислом Каримов.

Оила жамиятнинг энг муҳим ва мустаҳкам буғинидир. Оила инсон ҳаётига тўқислик бағишлайди, оила бахт келтиради. Оила энг аввало давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ ишдир.

Ҳозирги замон олимлари оилага эр-хотин ўртасидаги, ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг муайян тарихий тизими деб қарайдилар. Бундан ташқари, оилага аъзоларининг никоҳ ришталари ёки қариндошлик алоқалари, турмушнинг умумийлиги ва ўзаро маънавий жавобгарлик билан боғланган кичик бир гуруҳ, деб ҳам қараш анъанага айланган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида оиланинг жамият тараққиётидаги нуфузини, оиланинг барча турдаги масканлар орасида таъсир кучи ниҳоятда юқори эканлигини ҳамда ёш авлод онгига маънавий таъсир кўрсатишда оиланинг таъсирига алоҳида эътибор қаратади: “Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор”². Оиланинг жамиятдаги ўрнига баҳо бериб шундай дейди: “Оила – жамиятнинг негизи. Оилада ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб яшаш мумкин эмас... Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”.

Оила ҳалқнинг, жамиятнинг ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказди, яхшиларини ўз бағрида асраб-авайлаб келажак авлодларга етказди.

¹ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Т., «Ўзбекистон», 2007 й. 9-декабрь.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. –Б.58.

Ислом манбаларида бола дунёга келмай турибоқ, унинг келажаги тўғрисида кайғуриш кераклиги ҳақида кўрсатмалар бор. Оиланинг зиммасидаги муқаддас бурчларнинг бири – улкан тарбия ўчоғи эканлиги шунда намоён бўлади. Оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан уларга бошланғич ижтимоий йуналиш беради. Ўз фарзандларини катта оқимга – жамиятга қўшиш билан эса оила жамият йуналиши, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсирини кўрсатади.

Агар ота оилада ўзини тутишни билмаса, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнатилган бўлиш ўрнига қўпол муомала қиладиган бўлса, бу ҳолат маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Ёки оилада қўни-қўшниларни кўролмаслик, фисқу фасод, ифво муҳити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради.

Демак, оилани мустаҳкам, соғлом, бахтли қилиш учун оилада юзага келадиган келишмовчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқларини билишимиз зарур бўлади.

ОИЛА – ТАРБИЯНИНГ МУҚАДДАС ҚЎРҒОНИ

Оила – нафақат бир юртнинг, балки умуминсониятнинг катта сиёсати. Айтиш керакки – давлат сиёсати. Нега деганда, башариятнинг тириклиги, узлуксизлиги – оиладандир.

Борди-ю оила тузук бўлмаса, тарбияга ҳам эътибор берилмаса, қанча буюк бўлса ҳам, бундай миллат дунёда узок яшай олмайди. Буни донишмандлар кўп таъкидлашган: “Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса миллионлар ила саналадиган аскарлар-у, дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг оз эътибор берадиганимиз ё бўлмаса, ҳеч бир замон эътибор бермасдан қоладиганимиз – оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этади ва шу сабабдан фазилят ерига разолат, тараққиёт ўрнини тубанлик негиз куради... Агар бир миллатга бундай ҳол рўбарў келса, у миллат китобининг сўнги варағи осилади...”

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: “Маълумки, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб

аталмиш бебаҳо неъмат бор”³. “Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди. Соғлом бола, соғлом авлод орзуси аجدодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозалиги, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз. Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман”, - деган пурмаъно фикрларни ўқиймиз.

Ҳақиқатан ҳар бир инсон даставвал, оилада ўрин тополмаса– жамиятда ўрин топиши қийин, оилада кадр тополмаса – жамиятда кадрланиши даргумон, оилада меҳрибонлик кўрмаса, оилада меҳрсиз улғайса жамиятда ҳам бегоналардай яшайди.

Қайга бормайлик оилага келамиз, ким бўлмайлик оила аъзосимиз. Оила маънавияти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса – жамият ҳам шу қадар бой бўлади. Бинобарин, оила маънавияти – миллийликнинг барча аломатларини ифодаловчи кузгудир. Чунки, “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади”.

Мамлакатимизда оила барқарорлиги – жамият барқарорлиги сифатида эътироф этилиб, шахснинг оилада камол топиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгадир, деб белгилаб қўйилган.

Оиланинг юксак тарбиявий имконияти шахслар ва ота-оналарнинг ўзига хос хусусиятлари: қон-қариндошлиги, меҳр-муҳаббати, яқинлиги, ишончи, бурч ҳисси ва бошқа жиҳатлар билан таъминланади. Ўз фарзандининг барча заиф ва кучли томонларини йўргакдаги чоғидан биладиган, унинг қалбидаги энг кичик ҳаракатни ҳам сезадиган ва тушунадиган, унга таъсир этишни биладиган онадан ва отадан яхшироқ

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. –Б.56.

ким ҳам уларни эзгуликка, меҳнатсеварликка, дўстликка, муҳаббатга ўргата олади!

Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оила тарбия вазифасининг бу улкан миқёси унинг мафкуравий ва психологик таъсир кўрсатиши билан уйғунлашиб кетади. Бу эса уни олий даражада таъсирчан қилибгина қолмай, шу билан бирга шахсни шакллантириш жараёнининг зарур бўғинига ҳам айлантиради.

Одам оилада камол топади. Худди шу даргоҳда унинг биринчи кувончи ва ташвишлари юзага келади. Оила инсон деб аталувчи бинонинг фақат пойдеворини қўйиш билангина чекланмасдан, балки унинг сўнги ғишти қўйилгунча ҳам жавобгардир. Ота-она - санъаткор, бола - санъат асари, бола тарбияси эса санъатнинг ўзидир. Шунинг учун ҳар бир ота-она нафақат фарзандни дунёга келтириш, балки уни комил инсон қила олса, яхши тарбия бера олса, у жамият олдидаги ҳақиқий вазифасини адо этган бўлади. Шунинг учун оиланинг муқаддас вазифаси - қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий томондан етук қилиб ота – онасига, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат.

Маънавий, ахлоқий, психологик тарбия аввало оиладан бошланади. Оила тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлсагина, жамиятда ривожланиш бўлади. Бу эса ўз навбатида маънавий ва руҳий муҳитнинг соғломлигига етарли замин яратади.

Оиладаги муҳитнинг бузилиши уни кундалик ҳаётини издан чиқаради ва унга тўсқинлик қилади. Жамият тараққиётининг кутилган даражага чиқа олмаслиги, унинг тараққиётига тўсқинлик қилувчи, унинг инқирозига олиб келувчи кучларнинг юзага келишида ҳам оиланинг ҳиссаси каттадир. Чунки оилаларнинг носоғломлиги, ноқобил ва низоли оилалар, ажрашишлар сонининг ортиши жамиятга турли иқтисодий, ижтимоий зиён етказиши билан бирга, бундай носоғлом психологик муҳитли, низо-жанжалли, ўзаро меҳр-оқибатсиз муҳитда дунёга келиб, шаклланган болада ҳам кейинчалик нафақат ўз ота-онаси, ака-укаларига нисбатан меҳр-оқибатсиз, балки атрофдагиларга, қолаверса ўзи яшаган жамиятга нисбатан ҳам шафқатсиз, золим, худбин, ҳар хил жамият манфаатлари, юрт манфаатларига зид бўлган ҳар хил салбий ташқи кучлар таъсирига осон берилувчан шахснинг шаклланишига, шу асосда эса ўз оиласи, ўз халқи, ўз

юрти учун хавфли инсонларнинг етишиб чиқишига ҳам асос бўлиши мумкин. Оилада носоғлом муҳитнинг юзага келишига ота-онанинг ўзаро жанжаллари, айниқса, онанинг тинимсиз оила аъзоларига ўз фикрини ўтказишга жон-жаҳди билан интилиши турмуш ўртоғида ва болаларида унга нисбатан бўлган ҳурмат ва эътиборнинг пасайишига олиб келади.

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТ ТУРЛАРИ

Оилавий муносабатлар ўзаро муносабатларнинг оддий тури бўлиб, оилавий ҳаётнинг энг муҳим талаби, саломатликка таъсир қилувчи энг кучли омил. Шунинг учун бу масалада тушунча ва малакага эга бўлмаслик ниҳоятда қийин оқибатларга олиб келиши мумкин. Оилавий муносабатлар турли-туман ва уларнинг ҳар бир тури кўриниши ҳақида маълумот бериш ниҳоятда қийин. Шунинг учун, оила ҳаётида аҳамиятга эга бўлган баъзи бир муносабатлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Эр-хотинлик муносабати эр билан хотининг бир-бирига садоқати, оила бутунлиги ва шаънини кўз қорачиғидай асраш, фарзандларни боқиш, вояга етказиш, тарбиялаш ва шу кабилар. Бу йўлдаги ҳаракатлар бориб-бориб, эр-хотинни бир-бирига маънавий ва бурчий жиҳатдан яқинлаштириб боради. Уларнинг мақсад, интилишлари муштарак бўлади. Ўсиб вояга етган фарзандларни ҳаётда ўз ўрнини топишига, уйли-жойли бўлиб мустақил ҳаётга қадам қўйишлари эр-хотинга (ота-онага десак тўғрироқ бўлади) катта маънавий ҳузур бағишлайди. Хуллас, ёшликда асосан жинсий қизиқишлар натижасида ҳосил бўлган иттифоқ – оила бора-бора ўсиб улғайиб ўзига хос бошқарув, таъминот, тарбия, маънавий ва шулар каби соҳалар бўйича фаолият марказига айланиб қолади.

Ота-она ва фарзанд муносабати. Бу муносабат асосан тарбияга боғлиқ. Тарбиянинг эса услублари кўп. Ўргатиш, тушунтириш, тақиқлаш ва ҳоказо. Оилада ота-онанинг, шу оиладаги катталарнинг юриш-туришидан тортиб, сўз маданияти, кийиниши, кишилар билан муомаласи, ҳатто атроф-муҳитга муносабати ва шу сингари оддий бўлиб кўринадиган ҳолатлар ҳам бола тарбиясига катта таъсир қилади.

Фарзандлар ва улар ўртасидаги муносабат. Фарзандларнинг бир-бирларига меҳрибонлик, сирдош ва қўллаб-қувватлаш руҳидаги тарбияни уларнинг биргаликдаги оилавий ва кейинги мустақил ҳаётларида ҳам аҳамияти бор.

Қайнона ва келин муносабати. Бу миллий урф-одатларимиз нуқтаи назаридан ўзбек оиласи учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки,

кўпгина ўзбек оилаларидаги эр-хотин ўртасидаги муаммолар қайнона билан келин ўртасидаги келишмовчиликдан келиб чиқади. Бунинг ижтимоий сабаблари кўп. Лекин энг асосийси қайноналарнинг эскилик сарқитларига ортикча берилиши, ўзининг шахсий манфаатларини устун қўйиши ёки умуман келин билан муомала услубини билмаслигидан бўлади.

Қариндошлик, ошна-оғайничилик муносабатлари. Бу муносабатлар дунёдаги барча халқарга ҳос бўлсада, Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқи ўртасида жуда қадрланади. Бундай муносабатлардаги асосий талаб бир-бирларни маънавий ва имконият даражасида моддий қўллаб-қувватлаб боришдан иборат. Ижтимоий ҳаётда фикр, дунёқараш, мақсад, интилиш ҳамда табиатлари жиҳатдан бир-бирларига яқин кишилар ва уларнинг оилалари ўртасидаги муносабатлар – ошна-оғайничилик муносабатлари ҳам бўлади. Сабаби, киши табиатан ҳамсуҳбатликка муҳтож. Шунинг учун у ҳар доим ўзига дўст, ҳамсуҳбат, ҳамфикр ахтаради. Бу муносабатлар оддийгина инсонийликдан тортиб, хизмат юзасидан, касбий ёки ҳаётдаги муаммолар – фронт, ҳарбий хизмат, сафар, табиат қийинчиликлари ва шу кабилар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИ

Оиланинг мустаҳкам бўлиши, эр-хотиннинг бахтиёр, тинч-тотув яшашларида уларнинг ўзаро қовишуви, мослиги, етуклиги муҳим роль ўйнайди. Ўзаро қовушишларни шартли равишда учта таркибий қисмга ажратиш мумкин:

1. Биологик қовишув.
2. Психологик қовишув.
3. Социал(ижтимоий) қовишув.

Тўйдан кейинги дастлабки кунлар одатда, осойишта, ширин, тотувлик билан ўтади. Баъзи ҳолларда мижоз тури жиҳатидан келин-куёвлар ўзаро мос келмаса-да, лекин улар орасидаги ҳиссиёт кучи, психологик-педагогик билим савияси, оилавий ҳаётни мустаҳкамлашга интилиш, тарбия ва маданий савия даражаси, ўзаро муносабат маромлари уларнинг ўзаро қовушишини, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлай олади.

Эр – хотинлар оилавий шахслараро муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда “ўзаро ҳурмат ва ишончнинг бўлиши” ни

энг таъсирчан (муҳим) омил деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат, эҳтиром, меҳр–муҳаббат, ишонч ва садоқат, иззат-икром, ҳамфикрлилик ва муносабатларнинг самимийлиги оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг энг муҳим асослари бўлиб хизмат қилади. Эр – хотинлар ўртасида “ўзаро ҳурмат ва ишончнинг бўлиши”га алоҳида эътибор билан қараганлик ижобий натижаларга олиб келади. Шунингдек, “оила аъзоларининг бир – бирини яхши тушунишлари” ҳам ўзбек оилалари учун энг муҳим қадрият сифатида тан олинади.

Оиланинг асосий вазифаларидан бири – фарзанд кўриб, уни вояга етказиш, авлодлар давомийлигини, ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатдир. Оилада фарзанд туғилиши эр-хотин, қайнона-келин, қайнота-куёв ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди, қариндошлар орасида меҳр-муҳаббат ҳислари янада мустаҳкамроқ шаклланади. Ўзбек халқи болажон халқ бўлганлиги учун оилада фарзанд туғилиши биланок унинг тарбияси ва камолоти билан боғлиқ ота-онанинг орзу-ҳавас ва эзгу-ниятлари реал намоён бўла бошлайди ва уларни амалга ошириш учун тинмай изланадилар. Улар оилавий турмушда учраб турадиган майда-чуйда муаммоларга эътибор бермайдилар, ҳатто эр-хотиннинг қатъий тус олган ўзаро муносабатларига таъсирини ўтказа олмайдилар.

Оилавий шахслараро муносабатлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи омиллар орасида “оиланинг моддий таъминланганлиги” ҳам етакчи ўринларда белгиланади. Оиланинг моддий таъминланганлиги – унда иқтисодий – молиявий хўжалик фаолиятини тўғри ва оқилона юритиш ҳисобланади. Оила аъзоларининг даромадларини режали сарфлаши кундалик турмуш учун зарур бўлган озиқ – овқат маҳсулотларидан тортиб, то кийим - кечак, ҳатто хўжалик асбоб-анжомларигача меъёр билан харид қилиш, тежамкорлик билан фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик унинг раванқ топиши ва гуллаб яшнаши учун имкон яратади.

ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИДАГИ НИЗО ТУРЛАРИ

Ҳар бир шахснинг бахтга эришишга интилишида оилавий муносабатлар тизими кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бахтга интилиш ҳар бир инсон учун табиийдир ва айти шу бахтга интилиш ҳар бир инсонни оила қуришга ундайди. Кузатув ва ҳаётий тажрибалардан аёнки, инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан, чорактага етар-етмас қисмини бошқа нарсалардан топади. Оила бахти, оила барқарорлигини белгиловчи шахслараро муносабатлар таъсирига хос маълумотлар ҳозирги оилавий турмуш ва оила барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, оиланинг асосини ташкил этувчи эр ва хотинга хос сифат ва фазилатларнинг шаклланган бўлиши, улар оилавий бурч ва вазифаларини садоқат билан адо этишлари, бир-бирига меҳрибон ва кечиримлилиги энг муҳим қадрият сифатида эъзозланади.

Оилавий низоларнинг энг характерлиларидан бири бу эр ва хотин ўртасидаги низолардир. Хўш, энг эзгу ниятлар билан, бир-бирларини севиб оила қурган ёшлар нега оила қуришгандан кейин уларнинг ўзаро муносабатларида низо-жанжаллар рўй беради? Улар нима учун урушадилар? Умуман эр-хотинлик ҳаётида низоларсиз, уруш жанжалларсиз ҳам яшаса бўладими?

Низоли вазиятлар ҳар қандай оилада у ёки бу даражада юзага келади. Оила қандай бўлишидан қатъий назар низолардан мутлақо ҳоли (ҳимояланган, кафолатланган) бўла олмайди. Чунки оиладаги шахслараро муносабатлар одатда низосиз бўлмайди. Бу низолар маълум даражада эр-хотин муносабатларини ривожлантирувчи катализатор вазифасини ўтайди. Лекин низонинг низодан фарқи бор. Улар келиб чиқиши, ташқи ифодаланиши, такрорланиб туриш тезлиги (сони) ва ниҳоят оқибатларига кўра бир-бирларидан фарқланади. Бирор-бир махсус меъзон йўқки, шунга асосан низоларнинг қайталаниши, кучи, даражаси ва бошқа маълумотлари (кўрсаткичлари)ни аниқ белгилаб бериш (олиш) мумкин бўлса. Бунда ҳамма нарса субъектнинг ўзига, унинг шахсий, психологик хусусиятларига, ёшига, жинсига, унинг қўйилишига, низонинг қандай идрок қилиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Оилада эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг юзага келишида низоларнинг характери, уларнинг оқибатларига кўра турли оилалар ва улардаги оилавий муносабатлар бир-бирларидан фарқланади. Бу вазиятда

муваффақиятли оилалардаги низолар бириктирувчи ва муваффақиятсиз оилалардаги низолар эса ажратувчи характерга эгадир.

Бириктирувчи низоларнинг юзага келишига асос бўлган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиниши ҳам эрнинг, ҳам хотиннинг, бутун оиланинг манфаатларига қаратилган бўлади. Агар улар ҳал этилса бунинг оқибатида оиланинг умумий манфаатларига оид муаммолар ўз ечимни топади. Бундай низоларга оиладаги тартиб, интизом, озодалик, оила бюджетини юритиш, саранжомлик, тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, бола тарбияси ва бошқа шу каби тоифадаги низолар мисол бўла олади. Улар асосан эр-хотин ўртасидагина юзага келади, уларнинг иштирокчилари ҳам фақат эр-хотинларнинг ўзларигина ҳисобланадилар.

Бундай низоларнинг муваффақиятли ҳал этилишида эр-хотинларнинг бир-бирларини янада яқинроқ билиб, тушуниб, бир-бирларининг салбий ва ижобий хусусиятларини ўрганиб бориш, бир-бирларига мослашиш, муаммоларни ҳал этиш борасида ҳамкорлик қилиш каби оилавий ҳаёт мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилувчи жараёнлар амалга ошади.

Ажратувчи низоларда уларнинг юзага келишига асос бўлган муаммо ва унинг ечими эр-хотинлардан бирининг манфаатига қаратилган бўлади. Бундай низоларда бир томон манфаатининг ҳал этилиши кўпинча, иккинчи томон манфаатининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади. Масалан, эрни ёки хотинни шахсан ўзи учун бирон нима харид қилиши, эрнинг ёки хотиннинг иши туфайли, ўзбек оиласи учун характерли бўлган низолардан бўлмиш эр ёки хотиннинг қариндош уруғлари билан бўладиган муносабатлар туфайли юзага келадиган низолар шулар жумласига киради. Бундай низоларнинг ҳал қилиниши, яъни бир томон манфаатларининг қондирилиши кўпчилик ҳолатларда иккинчи томон манфаатларининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади. Бундай вазиятларда манфаати бой берилган томонда норозилик, эътироз сақланиб қолади ва бу кейинчалик яна кучайиб навбатдаги низони юзага келишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ажратувчи низоларда, низо ҳал этилгани билан, низоли вазият сақланиб қолаверади.

ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИДА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА МАСЛАҲАТЛАР

Маълумки, муқаддас динимиз исломда, унинг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони Карим ва Ҳадисларда эр-хотин муносабатларининг барча томонлари ҳақида қимматли маълумотлар ва шаръий қонуниятлар ёритилган. Шарият ҳукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шуларнинг эвазига эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир босиқлик, оила рўзғор тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар мавжудлиги сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир.

Қомусий олимларимиздан бири Абу Али Ибн Синонинг карашларига кўра, эр-хотин муносабати тенглик, ҳамжихатлик ва ўзаро ҳурмат асосида қурилиши зарур, “Эр киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир. Аёл эса эркакни яхши, муносиб йўлдоши ва бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчисидир”, - деб ёзади.

Ибн Сино “Китоб уш-шифо” асарида оила инқирози ва бузилишига сабаб бўладиган омилларни ҳам кўрсатиб ўтган. Бу омилларга қуйидагиларни киритган:

1. Агарда эр ва хотинликдан фарзанд дунёга келмаган бўлса;
2. Агарда эр – хотин бир-бирига ҳиёнат қилиб, ёрининг эътиборини пасайтирса;
3. Эр ёки хотин тарбиясиз бўлса-ю, тарбия олишни истамаса;
4. Эр ва хотин бир-бирига ёқмайдиган табиатли бўлса.

Ибн Сино оилавий турмушда эр –хотин муносабатларини ибратли мисоллар асосида ёритган ҳамда, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва бир-бирини тушунишга асосланмоғи лозимлигини ҳимоя қилиб чиққанлиги бу диққатга сазовор жиҳатдир.

20 аср намоёндаларидан бири Абдурауф Фитрат “Оила” номли асарида “Эр-хотин мушкулотдан иборат бўлган ҳаёт сафариди бирга бўлиб, жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний фазилатларни бажаришда дастёр, қайғу ва умидсизлик дамларида ғамхўр, саодат ва бахтиёрлик чоғларида бир-бирига ҳамдам бўлишлари лозим”, - деган ибратли фиклари эр-хотин муносабатларида барқарорликни таъминлаб берувчи омиллардан ҳисобланилади.

Соғлом оила келишмовчиликларни ҳал қилишни билади, муаммоларни ҳал эта олади ва оилада ҳамма бўйсунуши лозим бўлган қоидалар мавжуд бўлади. Аслида муаммо келишмовчиликда эмас, муносабатдадир. Чунки тортишув ва келишмовчиликлар бу табиий ҳол бўлиб, жуфтларнинг бунга, албатта, эҳтиёжлари бўлади. Келишмовчилик чиқмасин деб бутун муаммолар хаспўшланадиган ва ичга ютиладиган бўлса, бир кун келиб йиғилиб қолган муаммолар катта можароларга сабаб бўлиши мумкин. Жуфтлар ўртасидаги яқинлик алоқалари таранглашади, яъни севги, ҳурмат ва ишонч туйғулари заифлашади. Тартиб йўқолади. Ўзаро ҳақоратлашлар, жанжаллар, бақириб-чақирш, уриш, ҳатто калтаклаш оқибатида эр-хотин бирга яшай олмай қолади. Бундай ҳаёт жинсий муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Жинсий бузилиш ва қоникмаслик туфайли жуфтларда пайдо бўладиган таранглашув эса келишмовчиликларнинг янада ортишига сабаб бўлади. Шу тариқа оила боши берк кўчага кириб қолади. Охири йўқ тортишув ва жанжаллар ниҳоят уларни ҳаётдан бездиради. Бироқ тортишувлар турмушни сақлаб қолиш учун амалга ошириладиган бўлса, муаммолар осон ва ижобий ҳал этилиши мумкин. Аввало, турмуш ўртоқда ва шахс ўзидаги ғазаб ва хафагарчилик сабабларини аниқлаши керак. Бу сабабларни аниқлашда “ақлга мослаш” деб номланадиган ҳимоя механизмидан, ёмон ният ва шошилиш хулосалардан ўзини узок тутиш, ғазаб аламини турмуш ўртоғидан олишга уринмаслик зарур. Турмуш ўртоғининг ғазаблантирган, хафа қилган, ташвишга солган хатти-ҳаракатларига муносабат билдиришдан олдин бир ўйлаб кўриш тавсия этилади. Турмуш ўртоқнинг жаҳли чиқишига, ранжишига ва ташвишланишига сабаб бўладиган томонларни ўйлаш, ҳаракатларда ўзини турмуш ўртоғининг ўрнига кўйиб кўриш мақсадли. Келишмовчиликларни ижобий яқунлаш учун қуйидаги тавсияларга риоя қилиш фойдалидир:

1. Ечим осонлашиши учун келишмовчилик нуқтасини тўғри аниқлаш зарур. Бу эса турмуш ўртоқнинг нима демоқчи, қилмоқчи эканини тўғри билиш керак деганидир. У ҳолда аввал ният ва мақсадни ўрганиш лозим.

2. Туйғу ва фикрларни кўпиртирмасдан ва озайтирмасдан табиий ҳолда ўртага кўйиш, жаҳл қилиш керак бўлмаган ерларда акс таъсир кўрсатганлар асл ғазабланиш керак бўлган ерларда ё бундан ҳам зўравонлик йўлига мурожаат қилмаслик. Унутмаслик керакки, чегарадан чиққан зўравонлик асл мақсад бўлган ҳикматни йўқ қилади. Ўзига ишонган

ва ўзини ҳурмат қилган киши, шубҳасиз, турмуш ўртоғига ишонади ва унга ҳурмат кўрсатади.

3. Бир-биридан яхши ва ижобий хислатларни кам кўриш ўрнига, бунинг тескарисини бажариш. Агар бунинг имкони бўлмаса, унда объектив ёндашишга ҳаракат қилиш.

4. Муаммоларга фақатгина ўша пайтдаги ҳолатга кўра ёндашиш, эски гапларни кавламаслик. Шундай қилинса, муам-мо осон ҳал бўлади. Жуфтлар муносабатларини ўтмишдаги афсусланишлар, айбловлар ва аразлашлар устига эмас, келажакдаги мақсадлар, умид ва ишонч устига қуришга интилиши зарур.

5. Эр-хотин ўртасида доимо бир томон насиҳат берувчи ва иккинчи томон насиҳат тингловчи бўлмаслиги лозим. Ҳар икки томон ҳам маслаҳат берувчи ва олувчи бўлиши лозим. Агар жуфтлар ўртасида бу каби адолат ўрнатилмай насиҳат берувчи томонни назорат қиладиган механизм шаклланмаса, у ўзини хатосиз ва нуқсонсиз кўра бошлайди. Бу эса оилани деспотик оиллага айлантиради. Бундай оила шароитида улғайган аъзолар “итоатли киши” бўлиши мумкин, бироқ ўз шахсиятига ва дунёқарашига эга инсон бўлмайди.

6. Жанжалкаш ҳам бўлмаслик. Баҳслашиш инсон табиатида хос бўлган хусусиятдир. Бироқ уни ҳар бир инсон назорат қилиб, ўрнида ишлата олиши мумкин.

7. Соғлом оила муҳитида тортишувдан мақсад устун келиш ёки босим ўтказишдан иборат бўлмай, балки ҳақиқатни қарор топдириш ва энг маъқул қарорга эришишдир. Шу боисдан босим йўли билан эмас, тушунтириш йўли билан, тўқнашув йўли эмас, келишув йўли билан, тажовуз йўли билан эмас, илиқ муносабат йўли билан бу ишни амалга ошириш талаб этилади. Ким ҳақ экани эмас, нима тўғри экани муҳим бўлса, ана ўшанда муаммолар осон ҳал бўлади.

8. Тортишувда шахсиятга тегмаслик. Жуфтларнинг энг катта хатоси бир-бирининг шахсиятига тегишларидир. Бу кишининг ўзи ўтирган шохни кесиши билан баробар. Жуфтлардан бирининг ўзига ишонмайдиган, шахси озор кўрган бўлиши иккинчисининг фаҳри эмас, балки йўқотиши бўлади.

9. Тортишувни тўқнашувга айлантirmаслик учун жаҳл босилгандан кейингина ҳаракатланишни бошлаш.

10. Ҳукм чиқармасдан фикрларни турмуш ўртоқга қисқа ва лўнда қилиб етказишга ҳаракат қилиш. Агар овқат ўз вақтида тайёрланмаган бўлса “сен масъулиятсизсан” дейиш бу ҳукм чиқаришдир.

11. Бир-бирини бошқалар билан қиёсламаслик.

Шундай қилиб, эр-хотинлар бу тавсияларнинг барчаси ҳақида олдиндан хабардор бўлиши ва уларнинг салбий таъсирларни юмшатиб, ижобий жиҳатларини ривожлантиришга тайёр бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Юқорида келтирилган омилларни эр-хотинларга ўргатиш ва тушунтириш орқали уларни келгусидаги бахтли ҳаётга тайёрлаб бориш мумкин. Зеро, Афлотун таъкидлаганидек, “Ўзгаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни топамиз”.

ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР

Фарзанднинг ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб етишишида ота-она ва бола муносабатларида тарбия масаласи катта аҳамиятга эга.

Дунёга келган гўдак, унинг атрофидаги одамлар ва олам учун тўлиқ тобе ва боғлиқ бўлади. Унинг атрофидаги ота-онаси учун унинг хулқ-атвори оддий ва тушунарли бўлиб туюлса-да, вақт ўтиши ҳамда бола ўлғайиши билан боланинг ички олами ўзга кўзлардан ҳоли, хулқ-атвори эса ноаниқ ва тушунарсиз бўла бошлайди.

Шу боис ҳам инсоннинг гўдаклик чоғиданоқ, унинг ўсиб, улғайиб бориши жараёнидаги ўзига хос сир – асрорлар, ривожланишнинг айрим умумий қонуниятларини ота-оналар билишлари керак.

Ота-онанинг оиладаги ўрни, оилада ота-онанинг улуғ зотлар сифатида қадрланиши, уларга кўрсатиладиган чексиз ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром, ота-она учун фарзандларнинг ҳар нарсага тайёрлиги ўзбек оилаларига хос бўлган хусусиятлардан ҳисобланади.

Оиладаги ўзаро муносабатлар, ота-она ва бола муаммолари бизнинг ҳаётимизда доимо муҳим масалалар сирасига кириши шубҳасиздир. Тарбия ота-онанинг нафақат шахсий иши, балки ижтимоий бурчидир. Тарбиявий таъсирларнинг шакл ва услубларидан тўғри фойдаланиш ҳар томонлама соғлом фарзандлар тарбиясига замин ҳозирлайди. Ота-она болани дунёга келтирганликлари учун эмас, уни одобли ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учунгина олқишга сазовор бўладилар

“Ота-она давлат бошлиғими, ёки оддий фуқароми, бари-бир, у бола тарбияси борасида масъулдир. Давлат бошлиқлари, раҳбарлар бола тарбияси хусусида барчага ибрат бўлмоқлари лозим”, - Ибн Синонинг

бола тарбиясига қўйган ушбу талаблари бизнинг бугунги кунимизда ҳам у ўз кучини йўқотгани йўқ.

“Мен ўз боламни танитай қолаяман”, “Фарзандимиз гўёки алмаштириб қўйилганга ўхшайди, илгари у тилла бола эди”, “Фарзандимизни тушунмай қолаямиз ёки улар бизни тушунмай қолаптиларми?”, “Фарзандларимизни тарбиялаш тобора қийинлашиб борапти” сингари саволлари мулоҳазалар аксарият ота-оналарни қийнайди. Очиғини айтганда, ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатларда кузатиладиган бундай муаммолар битта ёки иккита оилага тааллуқли муаммо эмас, балки у кўпчилик оилаларини қийнаётган муаммо ҳисобланади.

Бу оламда ҳеч бир нарса ўз-ўзича, тасодифан ёки шунчаки пайдо бўлмайди. Дунёда содир бўладиган ҳар бир нарсанинг ўз мантиқи ва сабаби бор. Бу ҳақиқат ҳар қандай одамга маълум. Бир нарса иккинчи нарсани дунёга келтиради. Бу ҳақиқат ҳусусан таълим ва тарбияга ҳам тўғри келади. Баъзида болаларимизнинг тўсатдан ўзгариб қолганлигини тушунмаймиз. Ўзимизча буни тасодиф деб ўйлаймиз. Холбуки, боладаги айнан мана шу ўзгаришнинг замирида бизнинг нотўғри тарбиямизнинг натижаси ётганлигини англамаймиз.

Катталар ва болалар... Ота-оналар ва болалар ўртасидаги муаммолар... Бизга қанчалик яқин, шу билан бирга қанчалар узоқ муаммолар. Бизга қанчалар тушунарли, бир вақтнинг ўзида қанчалар тушунарсиз муаммолар. Яна шуниси борки, боланинг ҳар бир ёшига мос муаммолар мавжуд. Шу муаммолар ичида, уларнинг ечилиши ва ечилмаслиги баробарида болада маълум характер, ҳаётий тажриба, дунёқараш, мустақиллик ёки тобелик шаклланади.

Муқаддас китобимиз Қуръони Каримнинг «Исро»сураси 23-24-оятларида «Раббинг фақат унинг ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилиқ қилишингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!

Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотларингни пастлат ва «Раббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт».

Юқоридаги сўзларнинг маъносини чуқурроқ англашга ҳаракат қилсак, қуйидагиларни англашимиз мумкин.

Биринчидан, Аллоҳ таоло ўзига ибодат қилишга чақирishi билан ота-онага яхшилик қилишдан иборат икки ҳукмнинг бирга, бир жумлада келишининг ўзи Исломда ота-онанинг ҳақи нақадар улуғ эканлигини кўрсатади.

Иккинчидан, ота-оналар фарзандларига бирор-бир иш буюрганларида ёшлар ўйламасдан берилган вазифага ўзларининг салбий муносабатлари, ҳис-туйғуларини «уфф» дейиш билан ифодалашлари эҳтимоли бўлади. Бу уч ҳарфдан иборат ундалма маъносини англаган ва фарзанди юзидаги ифодани кўрган ота-оналар қаттиқ ранжийдилар, боласидан хафа бўлиб буюрган ишларини ўзлари бажаришга ҳаракат қиладилар.

Тез-тез «уфф» дейдиган фарзанд унинг ота-онасига қай даражада қаттиқ ботишини, уларнинг шу вақтда ўз фарзандидан ўта норизолигини хаёлларига ҳам келтиролмайдилар. Баъзилар эса онгли равишда ортиқча меҳнат қилмаслик учун бу сўзни атайлаб кўп ишлатадилар. Иккиси ҳам шарқона тарбия мезонларига кўра ўта одобсизлик, ота-онага нисбатан ҳурматсизлик, фарзандлик бурчини англамасликдир.

Кекса ота-онаси олдида ўз норозилигини бу тахлитда билдириш (уф тортиш) ота-онанинг тинчлигини бузади, фарзанди ҳақида хавотирланишини оширади, «боламнинг муаммолари кўпайиб кетибди, болам қийин аҳволга тушибди» деган фикрларга келишига, қайғуриш ҳислари ошишига сабаб бўлади. Мазкур ҳолатлар эса қарияларнинг психосоматик ҳолатига, уларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Фарзандларнинг ота-онага яхшилик қилиши борасида ҳам исломда батафсил ҳукмлар берилган бўлиб, уларни таҳлил қилиш шарқ, мусулмон давлатлари оилалари хусусида мукамалроқ тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради.

Улар қуйидагилар:

1. Ота-онанинг кўрсатган иноятларига шукур қилиш (фарзанд ота-онасидан уни дунёга келтиришгани, парвариш қилганлари, вояга етказганлари, таълим-тарбия берганлари ҳамда бошқа яхшиликлари учун миннатдор бўлиши керак).

2. Ота-онадан жирканмаслик ва уларга беҳурматлик қилмаслик.

3. Ота-онага меҳрибонлик қилиш.

4. Ота-она олдида изн, рухсат сўраб кириш.

5. Ота-онани фарзандлари ўринларидан туриб, кутиб олишлари.

6. Ота-онани исмлари билан атамаслик, улардан олдин юрмаслик ва ўтирмаслик.

7. Ота-она олдиларига кирганда салом бериш, чиққанда хайрлашиш.
8. Ота-онани энг чиройли, ёқимли лафзлар ила чақириш.
9. Ота-оналарининг барча амрларига (агар у ота-она манфаатига зид бўлмаса) итоат қилиш.
10. Ота-онанинг олдига кирганда уларнинг рухсати билан ўтириш.
11. Ота-она билан бирга ўтирганда уларнинг олдидан рухсатсиз чиқиб кетмаслик.
12. Ота-онанинг муҳаббатини қозонган кишиларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш.
13. Ота-онага ҳадялар бериб туриш, нафақасини яхшилаш, уларни сўрашга муҳтож этмай ёки миннат қилмай иззат кўрсатиш.
14. Фарзанд ота-она хизматида доимо шай туриши, ҳатто мушрик⁴ бўлсалар ҳам уларнинг розилигини топиш, яъни мушрик ота ёки онага иқтисодий ёрдам бериб, яхши гапириб, ҳурматини жойига қўйиш.
15. Ота-она обрўсини ҳимоя қилиш ва уларнинг обрўсизланишларига йўл қўймаслик.
16. Ота-онани хурсанд қилиш чораларини кўриш.
17. Ота-онасининг мол-мулкини асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш ва уларнинг рухсатсиз бирор нарса олмаслик.
18. Ота-онага роҳатбахш, улар ҳузур қиладиган шароитни ҳозирлаш.
19. Ота-онадан олдин таомга қўл узатмаслик.
20. Ота-онанинг олдиларида оёқ узатмаслик.
21. Ота-онадан юқорига ўтирмаслик, барча ишларда улардан маслаҳат сўраш, насиҳатларини қабул қилиш, фикр ва маслаҳатларини инобатга олиш, тажрибаларидан фойдаланиш.

Бу келтирилган ҳукмларга амал қилмаслик ота-она ва фарзандлар орасида ушбу келишмовчиликлар юзага келишига замин бўлиб хизмат қилади:

1. Дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқни ҳисобга олинмаслиги;
2. Ёшларнинг бўш вақтини мустақил ташкил этиши, дўстлар танлаш-даги мустақиллиги, ҳиссиёт соҳасидаги мустақиллиги, модага, бугунги кун талабига мос кийиниши, касб танлашдаги мустақиллиги, умр йўлдоши танлашда мустақиллик учун ота-оналари билан баъзан кураш олиб боришнинг хуш келмаслиги;
3. Ота-оналар ичкиликка ружу қўйиши ёки ор-номусни йиғиштириб қўйиб, бузуқчилик қилиши;

⁴ Мушрик – Аллоҳга ширк келтирган, уни инкор этган.

4. Баъзи болаларни меҳнат қилишга ўргатилмаганлиги ва бунинг оқибатида енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолиши;

5. Айрим ёшларнинг фарзандлик бурчини унутиб қўйиши ва ҳоказо.

6. Ота-оналарнинг психологик-педагогик билим савиялари етарли даражада эмаслиги натижасида юзага келадиган келишмовчиликлар.

Ота-оналарнинг йўл қўйишлари мумкин бўлган хатоликлар:

1. Бола тарбиясида оиладагиларнинг турлича муносабатлари(бува, буви, ота, она).

2. Ҳиссий илиқликнинг етишмаслиги.

3. Асабийлашган болани бошқариш малакаси етишмаслиги.

4. Болага қўйилаётган талабларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги.

Ота-оналар ва болалар муносабатига оид юқоридаги каби камчиликлар натижасида оиладан ҳаловат йўқолади, ўртага совуқчилик тушади. Фарзандлик бурчини бажармаслик у ёқда турсин, ҳатто, ичиб келиб, ота-онасига қўл кўтарадиган фарзандлар, ота-онасини шарманда қилаётган суюқоёқ фахшпарастлар борлигига нима дейсиз?

Баъзи ота-оналар болаларда 3, 6, 13-14 ёшларда муқаррар равишда бўлиб ўтадиган кризисларни билмайдилар. Бу ёш босқичларида бола руҳиятида янги психологик қўшилмалар юзага келади. Бу эса уларнинг катталар, жумладан ота-оналар билан бўлган муносабатларида кўзга ташланади. Бунинг сезмаган баъзи ота-оналар «болам ниҳоятда қайсар, қулоқсиз бўлиб қолди», деб ўйлайдилар ва шикоят қилишга тушадилар. Бунга қарши ўзларича чора-тадбирлар белгилашлари натижасида ота-она ва бола бир-бирларини тушунолмай қоладилар. Боланинг ота-онадан бешиш ҳоллари кузатилади.

ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД МУНОСАБАТЛАРИДА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА МАСЛАҲАТЛАР

Бола шахсини шакллантирилишида, унга тарбия беришда ота-онадаги мавжуд психологик ва педагогик билимлар, уларнинг оиладаги ва ижтимоий ҳаётдаги обрўси жуда муҳим ҳисобланади. Обрў инсонга табиатан берилмай, балки маълум бир меҳнат орқали юзага келади. Лекин, баъзан ота-оналар ўз обрўларини сохта асосда юзага келтиришлари ҳам мумкин. Сохта асосда юзага келган обрўнинг бир қанча турлари мавжуд.

Муҳаббат обрўси. Кўпинча юмшоқ гапириш, ўз муҳаббатини билдириб ортиқча эркалаш, боланинг хохиш истагини қондиршга ҳаракат қилиш уни ҳиссаётга берилувчи қилиб шакллантириши билан бир қаторда ҳамиша фақат ўз манфаатини ўйловчи шахс бўлиб ўсишига сабаб бўлади.

Меҳрибонлик обрўси. Меъёридан ортиқча бўлган кўнгилчанлик, юмшоқлик, меҳрибонлик билан муҳаббат обрўсидан фарқланади. Ота-она учун оиладаги зиддиятга бормаслик жуда муҳим. Шунинг учун ҳам улар болага ҳамма нарсага руҳсат берадилар. Бундай ҳолда ота ёки она фарзандининг айблари бошқалардан беркитишига ёки уларнинг салбий хатти-ҳаракатларини ҳимоя қилишга ёки ижобий сайқал беришга ҳаракат қиладилар. Шубҳасиз, хатти-ҳаракатларини ҳимоячиси борлигини билган бола бу хатти-ҳаракатларини яна такрорлаши мумкин.

Расмиятчилик обрўси. Бундай ота-оналар болаларидан ўз қараш ҳамда фикрлари асосида ҳаракат қилишларини талаб этадилар. Уларнинг ўз фарзандлари билан муомала ва муносабатларида ҳам яқинлик ва очиқлик эмас, балки расмиятчилик устунлик қилади. Бундай ҳолат болалар бошқа жойдан ўзларига яқин одамни қидиришларига ва ўзгаларининг таъсирига кўпроқ берилишларига олиб келади. Шунингдек, ота-оналар фарзандларини бир-бирларидан узоқлашишларига ва бир-бирларини тушунмасликларига сабаб бўлади.

Ўз шахсини улуғлаш обрўси. Бунда ота ёки оналар ўзларини энг хизмат кўрсатган, энг аҳамиятли арбоб қилиб кўрсатадилар ва буни ҳар қадамда ўз фарзандларига ҳам таъкидлашни маъқул кўрадилар. Бундай ўз шахсини улуғлаш фарзандларга ҳеч қандай фойда бермай, аксинча, уларни ҳам ўз шахсини улуғлаш, мақтанчоқлик, бошқаларга менсимай паст назар билан қарашга, пировард натижада улар руҳиятининг сустлашувига олиб келади.

Ота она ва фарзанд муносабатларида қайсидир бир обрўнинг устувор бўлиши бола шахсини шаклланишига ва ижтимоийлашувига ўз таъсирини кўрсатади. Бу борада қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

➤ болага мустақиллик бериш. Кишилар ўзларининг ишларига доимо четдан аралаштиришларини, тайёр қарорларни сингдиришларини, хатти-ҳаракатларини назорат қилишларини ёқтирмайдилар. Катталарнинг бу сифатлари болаларга ҳам хос эканлигини унутмаслик керак. Лекин болалар тажрибаси кам инсонлардир, улар ҳар бир нарсага ўзлари эришини истайдилар, лекин амалда фақат катталар ёрдами билангина эришишлари мумкин. Шунинг учун ҳам катталар болалар фаолиятларини тўлиқ ўз зиммаларига олмасдан фақат уларга ёрдам беришлари мумкин.

➤ болага тайёр қарорларни эмас, балки мақсадга эришиш йўллари кўрсатиш зарур, ҳамда вақти-вақти билан бу борадаги тўғри ва нотўғри қилган ишларини муҳокама қилиб туриш лозим. Бунда бола ўз кучига ишонади, ўз шахсига ҳурмат билан қарай бошлайди ва муваффақияти фақат ўзи учун эмас, балки яқинлари учун ҳам қимматли эканлигини тушуна бошлайди.

➤ ўз – ўзини англашнинг дастлабки элементлари ҳам болаларда, оилада ота-она таъсири остида шаклланади. Болаларда ўз мавжуд ҳолатини шахсий имкониятлари билан таққослашга маълум бир намуна танлаб унга интилишга тенглашишга ўргатиб бориш муҳим. Бола мустақил фикрга эга бўлиши ўз келажак режаларини туза олиши, маълум бир аниқ қарорлар қабул қилиши, шу билан бир қаторда ўтмишни ҳам таҳлил қилиб бориши лозим. Бу борада бола муваффақиятга эришса унда ўзига нисбатан ишонч ҳисси шаклланади.

➤ шахс эмас, фаолият баҳоланиши зарур. Бола шахси кўп ҳолларда салбий баҳоланиши, меъёридан ортиқча танбеҳ ва танқид қилиниши - бундай ҳолда болада ўзини ҳимоя қилиш имконияти камаяди ва бунинг натижасида унда жазоланишдан кўрқув ҳисси кучаяди. Бунинг оқибатида болада алдаш хусусияти юзага кела бошлайди.

Фарзанд тарбиясида қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади.

Булардан бири – *бу ота-оналарнинг тарбияда йўл қўядиган хатоларидан бўлмиш нотўғри тарбияни келтириб чиқарадиган тарбиявий усуллари*дир :

Бундай тарбияга қуйидагилар киради:

- 1) “ҳаракат қоидалари” усули;
- 2) “боғ” усули;
- 3) “мукофот ва жазо” усули.

➤ “Ҳаракат қоидалари” усулида худди йўл ҳаракати қоидаларига ўргатиш кўринишида болага таъсир қилинади. Ота-оналар болани маълум қоидаларга ўргатилса, шунинг ўзи етарли, деб ҳисоблашади. Бола ўзини ёмон тутадиган бўлса, демак, демак ота-оналар унга яхшилаб тушунтирилмаган, деб ҳисоблашади. Болада кузатиладиган барча камчиликларда “мен сенга айтганман-ку”, “неча марта такрорлаш керак”, “мен сени огоҳлантирган эдим” сингари гаплар билан маломат қилишади. Айтилган ўғитларнинг афсонавий кучига ишонишади ва уларнинг фикрига кўра инсоннинг ҳаёти айтилган ўғитларга риоя қилишдан иборат, деб билишади. Шунинг учун аксарият ота-оналар ўз фарзандларининг

тарбиясида фақат панд-насихатлар етарли деб билишади. Бироқ тарбия фақатгина “мен айтгандим-ку”нинг устига қурилмайди. Бизни тарбиянинг бу усули алдайди ва тарбияда адашганимизнинг гувоҳи бўламиз.

➤ Иккинчи усулнинг “боғ” деб аталишига сабаб шундаки, ота-оналар болага худди боғда экиб қўйган дарахтига қарагандек қарашади. Гўё ота-она боғбон. “Боғбон” ота-оналар ўсиб келаётган ниҳолнинг нотўғри ўсган шохларини қирқандек, ўз боласининг камчиликларини тўғирлаб борсак етарли, деб ўйлашади. Шундай қилсак боламиз аста-секин яхшиланиб, бораверади ва ёши улғайгани сари боламизнинг тарбияси юксалади, деган фикрдадирлар. Бола дарах эмас у инсон. Ўсмирларга қўлланиладиган усуллар болаларга таъсир қилмайди. Бундай тарбия усули билан ота-оналар қанчалик болалардаги камчиликларни камайтиришга урунишмасин, болалар ўзгариб қолмайди.

➤ Учинчи усул “Мукофот ва жазо” усули деб аталади. Бунда ота-оналар болаларини айб иш қилиб қўйсалар жазолайдилар ва яхши иш қилсалар “мукофотлайдилар”, яъни мақтаб қўядилар. Болаларни тарбиялаш учун шунинг ўзи етарли деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, бола бу усул билан тарбияланганда ҳар доим ҳам яхшиланиб бормайди. Балки у ота-онасидан қўрқиб ёки унинг мақтовини олиш учунгина ҳаракат қилади. Бола ўзи қилаётган ишининг асл моҳиятини тушуниб етмайди. Бундан ташқари, ота-оналарнинг ҳар доим ҳам адолатли бўлишларига кафолат йўқ. Шу нуқтаи назардан ҳам тарбиянинг бу усули ҳар доим яхши самара бермайди.

Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги мулоқот. Аксарият ота-оналар болалар катталашгани сари улардаги ота-оналари билан мулоқот қилишга нисбатан эҳтиёж камая боради, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрига кўра, боланинг ўзи катталардан ажралади, унда ўзига хос сирлар пайдо бўлади ва унда мулоқотга нисбатан эҳтиёж камаяди. Бундай фикрдаги ота-оналарнинг ўзлари болалари билан мулоқотдан қочади. Улар шундай деб ўйлайдилар: “боланинг қорни тўқ, усти бут бўлса, уларга нима қилиб бериш керак”. Ҳолбуки, бола устининг бутлиги ва қорнининг тўқлиги унинг бахтли эканлиги, унда муаммолар йўқлигини билдирмайди.

Масаланинг мураккаблиги шундаки, ота-оналар ўз фарзандлари билан мулоқотга киришмайдилар ва бола хулқ-атворидаги ўзгаришларни тушунмайдилар. Боланинг ёш даврларида кузатиладиган барча кризисларида уларга фаол мулоқот зарур бўлади. Фаол мулоқот деганда болада кузатилаётган муаммоларни, шубҳаларни, кутилмаган вазиятларни муҳокама қилиш назарда тутилади.

Ҳар бир ота-она ўзларига шундай савол бериб кўрмоғи зарур:

1. Мен кечкурун, эрталаб нонушта вақтида, мактабдан (коллеждан, лицейдан) келганида ўз фарзандим билан нима ҳақида гаплашдим?
2. Фарзандим ўзини қийнаган муаммолар бўйича гаплашиш учун қачон менга учрашган эди?
3. Фарзандим билан мулоқот қилишга бир кунда қанча вақтим кетади?
4. Фарзандим билан мен қачон кинога, театрга борганман ёки у билан қизиқарли китобни муҳокама қилганман?
5. Фарзандим билан бартараф этилмаган бирорта низоли вазият қолдими?
6. Сўнги ойларда ёки йилда фарзандим ўзгардими? Агар ўзгарган бўлса, қайси томонга: ижобий томонгами ёки салбий томонгами?

Агар боланинг хулқ-атворида салбий томонга ўзгариш кузатилса, албатта бу ҳолатнинг сабабини аниқлашга ҳаракат қилинг. Балки у ўзидаги маълум ўзгариш билан сизнинг эътиборингизни тортмоқчидир. Балки у сизни ёрдамга чақираётгандир. Сиз тезда уни тўхтатинг, унинг муаммоларини тингланг ёки сўраб олинг, мавжуд вазиятни тушунишга ҳаракат қилинг. Шу нарсани тушуниб етинг, фарзандингиз билан ўзаро бир-бирингизни тушуниш риштасини бир лаҳзада узишингиз мумкин, бироқ уни қайтадан тиклашингиз анча қийин кечади.

Ота-оналарнинг шахсий намуна бўла олиши. Маълумки халқимизда “қуш уясида кўрганини қилади” деган гап бор. Сиз ўз оилангизда қандай муҳитни яратсангиз, болаларингиз ҳам ўшанга мос ҳолда улғайишади. Ўзингиз уйингизга дўстларингизни таклиф қилиб, ичкиликбозлик қилсангиз ва бу ҳолатни болангиз кўриб турса, қандай қилиб унга ичкиликнинг ёмонлиги ҳақида гапирасиз? Гапирганингизда ҳам у қанчалик таъсир қилади? Бола энди ўз оиласида кўриб турганига тақлид қилади ва натижада унда хулқи оғишишга нисбатан мойиллик пайдо бўлади. Шунинг учун ота-оналар ўз фарзанлари олдида яхши хулқ-атвори билан намуна бўлиши лозим.

Болаларда тақлидга мойиллик жуда кучли бўлади. Тақлидни фанда имитация дейишади. Айниқса ўсмирлик даврида бу ҳолат кўзга ташланади. Ўсмирлар ўз тенгдошларининг ёки катталарнинг хулқ-атворларидан ўрнак олишади. Шу нарсани тақлид дейишади. Бироқ улар ҳар қандай кишининг ҳам хулқ-атворида тақлид қилишавермайди. Улар ўзлари ҳурмат қилган кишиларга, артистларга, спортсменларга, ашулачиларга тақлид қилишади, айниқса уларнинг кийинишига, соч турмакларига, ўзини тутишига, хатти-

ҳаракатларига тақлид қилишади. Болалар ота-оналаридан ўрнак олишлари учун улар ўз фарзандлари олдида обрўга эга бўлишлари зарур.

Агар бола салбий қаҳрамонларга тақлид қилиб бошласа, бу ота-оналарга ҳам, тарбиячиларга ҳам маълум қийинчиликлар туғдиради. Ўсмирларга хос бўлган максимализм билан у энди нафақат салбий қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларидан “нусха олади”, балки унинг ҳаёт тарзини ўз турмуш тарзига айлантиради. Агар бола ҳаётдаги реал салбий кишига тақлид қилса ва у илгариги ичувчими, наркоманми ёки криминал ўтмишга эга бўлган кишими бўлса, энг ёмони шу бўлади. Бундай кишилар ўзларининг “фаолиятлари” тўғрисида тўлқинланиб, болаларга таъсир қиладиган кўринишда ҳикоя қилишни яхши кўришади. Болалар ҳам оғизларини очганларича, ўз “қаҳрамон”ининг “жасоратлари” ҳақида, чекиш ва ичишнинг, наркотик истеъмол қилишнинг “кайф”и ҳақида тинглайдилар. Чунки бола ҳали чин қаерда-ю, ёлғон қаердалигини билмайди. Уни билдиришда ота-онанинг роли катта. Буни асло унутмаслик керак.

Ушбу қоидаларни ота-оналар билишлари, фарзандлар эса риоя этишлари керак бўлади:

- оилада ота-оналар, фарзандлар ва бошқа аъзолари бир-бирларини севишлари, тушунишлари, ҳурмат қилишлари;
- ўқишни, ишни, меҳнатни асосий эҳтиёж сифатида қараш;
- бекорчилик, дангасаликка берилмаслик;
- оилада қатъий кун тартиби ва режимга риоя қилиш;
- оилада катта кишиларни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш;
- оилада психологик хотиржамлик, соғлом муҳит яратиш;
- оиланинг ҳар бир кишисида мустақиллик, эркинлик, ўзига ишонч каби хислатларни шакллантириш.

Шу келтирилган қоидаларга амал қилиш, ўзаро муносабатларни яхшилашга, келишмовчиликларни бартараф этишга ҳамда оилада соғлом муҳит яратилишига асос бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат бола шахси шаклланишидаги етакчи омиллардандир.

Оилада ота-онанинг, шу оиладаги катталарнинг юриш-туришидан тортиб, сўз маданияти, қийиниши, кишилар билан муомаласи, хатто атроф-муҳитга муносабати ва шу сингари оддий бўлиб кўринадиган ҳолатлар ҳам бола тарбиясига катта таъсир қилади. Шу боис бола ёнида бўлар-бўлмас гапларни айтиш уларнинг тарбиясини бузади. Афсуски, ёш болалар олдида

айрим ота-оналар оғзидан бўлмағур сўзлар чиқиб кетади, ўйламай-нетмай уй анжомлари, қимматбаҳо кийим-кечак, тақинчоқлар ҳақида гапирилади. Булар бола тарбиясига таъсир этмай қолмайди. Қатрада қуёш акс этганидек, болада ота-онанинг маънавий қиёфаси ҳам акс этади. Зеро Ҳадисда, “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”, - дейилади. Айрим ота-оналар иш билан шунчалар бандларки, ҳатто ўз уйларига болалари ухлаганда келиб, ўринларидан турмасларидан кетадилар. Айрим оталар оилани моддий жиҳатдан таъминлашнигина ўз вазифалари ҳамда бурчлари деб тушунадилар. Кузатишларимиз жамиятимиздаги кўпгина нохушликлар айнан ана шу оилавий тарбияга эътиборни анча сусайганлигидан келиб чиқаётганлигини кўрсатади.

Кейинги пайтларда ёшлар ўртасида турли тартиббузарликлар, ахлоқсизлик, наркомания, таксикомания, ўғрилик сингари кўнгилсиз ҳодисалар тез-тез содир бўлиб турибди. Бу албатта ота-оналар билан биргаликда кенг жамоатчиликни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Агар ҳаётга теранлик билан назар ташланар экан, бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг асосий сабабларидан бири оила, ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига эътиборсизлиги, уларнинг юриш-туришлари билан қизиқишмаслиги оқибатида келиб чиқаётганлиги кўзга ташланади. Ҳақиқатан ҳам боланинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши кўпроқ ота-онаси ва ўз оиласига ҳамда унда таркиб топган муҳитга боғлиқ.

Ҳозирда ёшларни етук, баркамол шахслар этиб тарбиялаш ишларига эътибор кенг тус олди. Чунки жамиятимизнинг келгуси мана шу ёшлар қўлида. Ёшларни ахлоқан пок, жисмонан соғлом, етук кишилар қилиб тарбиялаш оиланинг олдига қўйилаётган энг муҳим талаблардан биридир. Бунинг учун ҳар бир ота-она ўз фарзандини эзгу мақсадга интилувчан, катталарни эъзозлайдиган, кичикларга мурувватли, ўқиш ва ишда матонатли, қатъий, ташаббускор, уюшқоқ, қийинчиликлардан қўрқмайдиган кишилар қилиб тарбиялашлари лозим.

ОИЛАДА ҚАЙНОНА ВА КЕЛИН ЎРТАСИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР

Оилага янги тушган келинларнинг кўпчилиги юзага келадиган баъзи қийинчиликларни осонлик билан енгиб, келинлик вазифаларини кўнгилдагидай эплаб кетадилар, қайноналарини рўзғор ташвишларидан халос қиладилар, тезда уларнинг меҳрига сазовор бўладилар. Қайноналар ҳам бундай келинни «қизим» деб бағриларига оладилар, билмаганини ўргатадилар, қийналганида ёрдам берадилар, ҳаётини йўл-йўриқ кўрсатадилар. Уларга уй-рўзғор ишларида ва болалар тарбиясида яқин кўмакдошга айланадилар. Бироқ ҳаётда қайнона-келин орасида турли тўқнашувлар ҳам содир бўлиб туради. Гап қайнона-келин ўртасида борар экан, шунини айтиб ўтишимиз лозимки, бу масала азал-азалдан одамларнинг, инсониятнинг атоқли намоёндаларининг диққат эътиборида бўлиб келган муаммолардан биридир. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган шарқ мутафаккирларидан бири Аҳмад Дониш ўзининг «Наводир ул вақое» (Нодир воқеалар) номли китобда қайнона келин-низолари ҳақида ёзар экан шундай дейди: «Қайнона-келин низолари бундан олдинги оилаларда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Улар доимо уришаверадилар. Улар нима учун уришадилар? Чунки улар нима учун уришишаётганликларини ўзлари ҳам билмайдилар. Шунинг учун урушадилар». Демак бу ўринда қайнона-келин низолари, сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш алоҳида аҳамиятга молик масала эканлиги кўриниб турибди. Бундай келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи сабаблардан айримларини кўриб чиқамиз.

1. Баъзи қизларда никоҳгача оилавий ҳаётга, қайнонага, қайнона-келин муносабатларига нисбатан салбий тасаввур шаклланган бўлади. Айниқса ёшлар қайнонани олдиндан фақат салбий қиёфа сифатида тасаввур қиладилар. Кейин эса оила қуриб, тасаввуридаги эмас, балки ҳаётдаги қайнона билан яшай бошлайдилар. Оқибатда улар ўз тасаввуридаги қайнонага хос бўлган камчилик ва иллатларни ҳаётдаги қайнонадан ахтара бошлайдилар. Борини-ку топишлари аниқ, ҳатто йўғини ҳам топишга ҳаракат қиладилар. Чунки тасаввурлари уларни алдаганини тан олишни истамайдилар.

Ҳаётда камчиликсиз одам бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Идеал қайнона, идеал келин ҳам бўлиши мумкин эмас.

Келинлар ўзлари тушган янги оила аъзоларига илк таассурот асосида баҳо беришга ошиқмасликлари лозим. Акс ҳолда, пашшадан фил ясаш ҳам ҳеч гап эмас. Келинлар оғир босиқ, сабр-тоқатли бўлишлари иложи борича ўзлари тушган хонадон аъзоларининг яхши томонларини кўришга интилишлари, эри шу хонадон аъзоси эканлигини унутмаслиги лозим. Ана шунда бу оила тинч-тотув бўлади. Зотан, келин бу хонадонга беш кунлик меҳмон эмас, балки бир умрлик аъзо бўлиб келганлигини унутмаслиги керак.

2. Қайнона-келиннинг дунёқарашлари ва уй-рўзғор тутишлари орасида келишмовчилик пайдо бўлади ва кескинлашади.

Икки авлоднинг дунёқараши, ҳаётий тамойиллари ўртасида тафовут бўлиши табиий ҳолдир. Аммо аксрият ҳолларда қайнона-келинлар кўп жиҳатдан бир-бирининг акси бўладилар. Айрим ҳолларда эса қайнона-келин андишани йиғиртириб қуйиб, ҳар бирлари ўз гапларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай келишмовчиликларнинг олдини олиш учун катталар ёшларни кийиниши, соч турмаклаши, ёқтирган куй ва ашулаларини тинглаши ва шу каби бошқа маласалаларда уларни ўз ҳолига қўйишлар лозим. Ёшлар ҳам ўз навбатида иложи борича она-оналарини тушунишга интилишлари уларни ғашига тегадиган ноўрин қилиқ ва одатлардан қайнонага хуш келмайдиган салбий «хойи-хаваслардан» ўзларини тийишлари керак.

3. Баъзи келинлар келинлик ва оналик вазифаларни бажаришга тайёр бўлмайдилар.

Шундай келинлар бўладики, улар на овқат пиширишни, на кир ювишни, на катталар билан муомала қилишни биладилар.

Келин келинлигининг биринчи куниданоқ ҳамма нарсани кераклигича билиши ва катта тажрибага эга бўлган қайнонаси даражасида туриши жуда қийин. У даражада билмаса ҳам майли-я, лекин билишни истамаса қийин. Шунинг учун никоҳгача оналар қизларига ош-овқат пиширишни, мева сабзавотлардан қишга шарбат, тузлама, мурабболар тайёрлашни уй-жойни сарамжон саришта тутишни, дид билан меҳмон кутишни, тежамкорликни, оила бюджетини иқтисод қилишни, уй анжомлари, жихозларидан асраб-авайлаб фойдаланишни ва шу каби уй-рўзғор ишларини ўргатишга алоҳида эътибор беришлари зарур. Чунки эл орасида «қиз бировнинг хасми, бошқа оилага тушиши бор» деган хикмат бор. Шунга қараб қизларни пухта тайёрлаш керак.

Қайноналар ҳам келинлардан ҳадеб камчилик ва қусур ахтармасдан, уни ўз фарзандидай кўриб, билмаганини сабр-тоқат билан ўргатиб бориши лозим. Камчиликларини юзига солавермасдан, яхши томонларини гапириб туришлари керак. Яхши сўз, ҳам ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади. Қайноналар келинларида ҳосил қилинган кўникма ва малакаларнинг ўз ўғли учун ва келажақда ўз набиралари учун хизмат қилишини эсда тутишлари керак.

4. Айрим ҳолларда қайнона-келин болалар тарбияси масаласида келиша олмай қоладилар. Айрим оилаларда болалар ё бобо-бувилар ёки ота-оналар томонидан меъёридан ортиқча эркалатиб юборилади. Натижада ота-оналар билан бобо-бувилар ўртасида «болага ким тарбия бериши керак» деган масалада келишмовчилик келиб чиқади. Аслида улар ҳам, булар ҳам болаларни келажақда яхши кишилар бўлиб етишишини истайдилар, танлаган йўллари эса турлича, бироқ улар бир битимга келиб олишмаса бола тарбиясининг ҳолига вой деяверинг. Бунинг учун улар боладан ҳали жойда бир мурасага, яқдил қарорга келиб олишлари лозим. Ана шунда бобо-бувилар ҳам, ота-оналар ҳам аҳиллик билан бола тарбияси борасида ўзаро мос чора-тарбирларни белгилаб олишлари лозим. Бунда бола қандай муҳит ва шарт-шароитда, даврда ўсаётганини, мижози турини ҳисобга олиш зарур.

5. Баъзан катта хонадонда овсинлар қайнона илтифотини қозониш йўлида бир-бирларидан рашк қилишлари асосида келишмовчиликлар келиб чиқади.

Оилада икки ва ундан ортиқ келин бўлса, қайнона уларнинг ҳаммасига бир ҳилда қарай олмаслиги табиий ҳолдир. Келинлардан биронтаси қайнонанинг дидига яқинроқ, баъзиси узоқроқ бўлади. Аёллар ўта руҳий сезгирликлари туфайли буни тезда сезадилар. Натижада «ўғай» келин билан қайнона ўртасида келишмовчилик бошланади. Бундай ҳолнинг олдини олиш ва овсинлар орасига совуқчилик туширмаслик учун қайнона ўз келинларига мумкин қадар бир ҳилда муносабатда бўлиши (аммо бу ерда ҳар бир келиннинг муомаласи, муносабатини, қайнонага бўлган меҳрини ҳисобга олиш инкор этилмайди) рашк қилишларига имкон яратиб қўйишдан эҳтиёт бўлишлари керак. Бу ўринда шахсан келинлардан ҳам ақл идрок, мулоҳазалилик ва сабр-тоқат талаб қилинади.

6. Баъзи ҳолларда қайнона келиннинг ёш хусусиятларини, қизиқишини, орзу-ҳавасларини, ишлаши ёки ўқишини ҳисобга олмайди.

Қайноналар орасида умр бўйи уй бекаси бўлганлари ҳам бор. Улар ишлаш билан уй-рўзғор ишларини баровар олиб боришни ўз бошидан ўтказмаган. Ана шундай қайноналар ёшлигида ўзларини рисоладагидай келин бўлганман деб биладилар, Қайнота-қайноналарини қандай иззат қилганликларини «уларнинг сояларига кўрпача солганларини» (ростми-ёлғонми, барибир) тез-тез эслашни яхши кўрадилар ва келинларининг ҳам «ўзларидай» бўлишини истайдилар. Баъзан эса уни ўғли орқали очикдан-очик талаб қиладилар. Бунга келинларининг имкони борми, йўқми, ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бундай қайноналар «эхтиёжини» қондириш имкониятига эга бўлмаган келинлар уларнинг ғазабига учрайдилар. Келини ҳақида бўлар-бўлмас гапларни ўғилларининг қулоғига қуядилар. «Ўғлимга айтиб сени қўйдириб юбормасам, юрган эканман»- дея дўқ-пўписа қиладилар. Баъзи ҳолларда мақсадларига эришадилар ҳам. Бундай қайноналар ўғиллари, набиралари бахтидан кўра ўз ҳузур-ҳаловатларини кўпроқ ўйлайдилар. Бунинг олдини олиш учун ўғилдан ғоят тадбиркорлик талаб қилинади.

7. Айрим келинларнинг янги оилага мослашиши қийин бўлади, оқибатда қайнона-келин орасида келишмовчиликлар келиб чиқади.

Ҳар бир оиланинг ўзига хос муҳити, қонун-қоидалари, анъаналари, атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга берадиган баҳо мезонлари, ҳатто фақат шу хонадон аъзолари тушунадиган, шартли равишда қабул қилинган сўз, иборалари бўлади. Янги тушган келин ўзи билан ўз туғилиб ўсган уйининг муҳитини, одат-кўникмаларини ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам айрим ҳолларда келин билан қайнонанинг оилавий муҳитлари мос келмай қолади.

Ота-оналар иқтисодий, моддий, ижтимоий савияси орасидаги тафовут ҳам аксарият келин-куёв орасидаги муносабатларни кескинлашувига таъсир қилиши мумкин.

Бунда иқтисодий омил шу билан ифодаланадики, келин янги тушган хонадонда қизлик хонадонидagi иқтисодий мўл-кўлчиликни кўрмасдан, ўз турмушидан совуши мумкин.

Шунинг учун ҳам донолар «Қиз берсанг ўзингдан бир поғона баландга бер, сенинг хонадонингда кўрмаганини янги хонадонда кўриб, янги хонадонга кўникиши осон кечади. Қиз олсанг ўзингдан бир поғона пастдан ол. Шунда келин ўз уйида кўрмаган мўл-кўлчиликни сенинг хонадонингда кўриб, бу муҳитга тез кўникади» деганлар.

Маданий ижтимоий омил. Куёв маълумотли, маданиятли оиладан бўлиб, келин аксинча деҳхон, ишчи ёки савдогар оиладан бўлса, ёки эр-хотиндан бири шаҳардан, иккинчиси хишлоҳдан бўлса бу ижтимоий-маданий тафовутлар ҳам эр-хотин ўртасидаги ихтилофларни келтириб чиқариши мумкин. Келин-куёвлар ижтимоий келиб чиқишида ҳам, ихтисодий таъминланганликда ҳам бир-бирига муштарак бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Борди-ю, келин бошқа миллатга мансуб бўлса, унинг янги оилага мослашиши янада қийин бўлади. Масалан, ўзбек халқида кекириш тўйганлик - шукроналик белгиси ҳисобланиб келган. Рус халқида эса бу одат ўта одобсизлик ҳисобланади. Шу сабабли янги оилага мослашиш ҳам осонликча кечавермайди. Бунинг устига келин учун бу оила янги, айти пайтда «бегона»дек туюлади.

Келиннинг янги оилага мослашиши унинг мижози турига ҳам боғлиқ. Масалан, кўпроқ холерик мижозга мансуб бўлганлар тез мослашадилар. Бироқ энгилроқ, тезроқ ва андишасиз келинларни янги оилага мослашиши қийинроқ кечади.

Янги шароитга осон мослашадиган ҳамда уни осонгина ўзлаштиришга тайёр бўлганлар сангвиник мижоздир.

Флегматик мижоз эса вазмин, оғир карвон бўлгани учун янги оила шароитига секинлик билан мослашади. Бир мослашиб олганидан кейин эса уни ўзгартиришни сира-сира истамайди, унча-мунча гап-сўзга парво қилмайди. Меланхолик мижозлар ҳам шунга яқин. Аммо сал нарсадан уларнинг руҳи тушиб кетади, бўлар-бўлмасга хафа бўлаверади. Руҳий жиҳатдан эса ниҳоятда сезгир бўлишади.

Ҳар бир мижоз турининг юқорида берилган қисқача шартли характеристикасини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олган қайнона-келинларнинг тил топиб кетишлари осон кўчади.

Баъзи қайноналар ўғлини келинидан қизғонади ва оқибатда келини билан келишолмасдан қолади. Бундай низолар, одатда камфарзанд ёки ёлғиз ўғил отасиз оилада ўсган тақдирда кўпроқ учрайди.

ҚАЙНОНА ВА КЕЛИН МУНОСАБАТЛАРИДА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА МАСЛАҲАТЛАР

Қайнона келин муносабатларида келишмовчиликларни бартараф этишда биринчи навбатда оиладаги муҳитни мўътадиллаштириш зарур бўлади. Оилавий муҳит асосан оила аъзоларининг психологияси бўлиб, ушбуларга эътибор бериш зарур:

- Қайнона ва келин психологияси (қайнонанинг феъл-атвори, келиннинг феъл-атвори, темпераментлари, шахс тоифалари)
- Оиладаги бошқа кишилар психологияси (буви-бобо, амаки-тоғалар, амма-холалар, ака-укалар, овсинлар ва бошқ.)
- Оила турлари (нуклеар, кўп поғонали, расмийлаштирилган, шаръий никоҳ, ажралишганлар, иккинчи никоҳ, бефарзанд, кам фарзандли, серфарзанд, маълумот даражаси бўйича турлича, яшаш ва иш фаолияти бўйича турлича, иқтисодий таъминланганлик бўйича турлича, байналминал, бир миллатли, тўлиқ, нотўлиқ ва бошқ.)
- Қайнона-келиннинг савияси, дунёқараш даражаси (зиёлилар, хизматчилар, маълумоти юқори, ўрта, тугалланмаганлар)
- Оиланинг яшаш шароити (маҳалла, ҳовли типдаги, кўп қаватли уйларда яшайдиганлар ва бошқ.)
- Қайнона-келинларнинг оилада бандлиги (хунармандлар, ишсизлар, тадбиркорлар, фермерлар, ўқитувчилар, шифокорлар, тикувчи ва бошқ.)

Кейинги навбатда ўзаро муносабатларда адоват, жанжаллашиш, худбинлик, ўз сўзини ўтказиш эмас, балки тушуниш, ғамхўрлик, самимийлик, қўллаб-қувватлаш, эътибор, идроклилиқ, озодалик каби халқимизга хос энг яхши хислатларни таркиб топтириш ва намоён этиш зарур бўлади.

ХОТИМА

Оила – бу бир кунлик эмас, бир йиллик ҳам эмас, балки бир умрлик макондирки, бу маконда ҳар кун, ҳар соатда ёки ҳар йил, ҳар ойда қанчадан-қанча воқеа-ҳодисалар, янгидан-янги ташвиш-у қувончлар содир бўлиб туради. Бир томонда маъмурчилик бўлса, иккинчи томонда етишмовчилик бўлади. Бир пайт яхшилик кетма-кет келса, бошқа пайт нохушлик устма-уст келади. Бир замон хатога йўл қўйилса, бошқа замон ютуқлар қўлга киритилади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти бу ҳақида: “Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр – қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз”, - деб ҳаққоний фикр билдирган. Бунинг учун оилада соғлом муҳит яратиш, улкан маънавий кадриятларимиз намунаси ва ҳозирги даврда турмушимизга сингиб кетган янги анъаналар асосида оилада соғлом турмуш тарзига ёндошиш, фарзандларимизни оиладаёқ миллий истиқлол ғоялари асосида фуқаролар сифатида соғлом тарбиялашга эътибор муҳим аҳамият касб этади.

1. Ота-оналарга ота-оналик масъулияти ва бахти насиб этгач, фарзандлари тарбиясига, унинг келгусида қандай инсон бўлишига бевосита жавобгар эканлигини доимо тушунтириш;

2. Ота-оналар ўз фарзандлари олдида яхши инсоний муносабатларни, жумладан намунали муомалани намойиш этишларини тарғиб қилиш;

3. Маҳаллаларда “Ота-оналар университетлари” орқали ота-оналарга фарзандларининг турли ёш даврларида юзага келадиган психологик хусусиятларига оид махсус суҳбат ва мунозараларни ташкил этиш ва малакали мутахассислар билан учрашувлар ўтказиш;

4. Оммавий ахборот воситаларида, яъни телевидение, радио ва газета-журналларда ота-она ва фарзанд муносабатларининг турли кўринишларига оид махсус кўрсатув, эшиттириш ва чиқишлар ташкил этиш;

5. Ота-оналарнинг бола тарбиясида психологик саводхонлик масалаларига эътибор бериш, эр-хотин, қайнона-келин муносабатларида юзага келадиган келишмовчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини олиб бориш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, оилалар мустаҳкамлиги учун зиммамиздаги вазифаларни амалга ошириш, оилаларни қўллаб-қувватлаш кечаги ва бугунги кунимизда бизнинг асосий мақсадимиз бўлиб, Ўзбекистоннинг равнақи ва гуллаб-яшнаши йўлида мустаҳкам пойдевор

вазифасини бажаришида хизмат қилади. Бу ўз навбатида муҳтарам Президентимиз айтганларидек, *“Оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш, хусусан, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар, қўшничилик муносабатларининг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига эришиш – бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти эканини доимо эсда тутишимизни истардим”*⁵.

Жамиятимизда олиб борилаётган барча ўзгариш ва маънавий ислохотлар жамиятда комил-баркамол шахсни тарбиялашга қаратилгандир, бу эса ўз навбатида яхши фуқаро, жамиятнинг баркамол аъзосини тарбиялаш ҳамдир. Шунинг учун биз оила муҳитида ота-она ва фарзанд, эр-хотин, қайнона-келин ва оиланинг бошқа аъзолари орасидаги муносабатларни тўғри ташкил этишга ўз вақтида оила қурувчиларни ва оила қурганларни тайёрласак, бундан ҳаётимизда юз бериши мумкин бўлган зиддиятлар, низоларни олдини олган бўламиз.

⁵ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. // Халқ сўзи. 2015 йил, 6 декабрь.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – Toshkent: O'qituvchi NMIU, 2005. – 224 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси. Тошкент.: “Адолат”, 1998, - 300 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир / И.А.Каримов; – Тошкент: “O'zbekiston” НМИУ, 2015. 304 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч.-Т.: Ўзбекистон, 2008.- 176 б.
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. // Халқ сўзи. 2015 йил, 6 декабрь.
6. Авлоний А.Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ. Т., 1997
7. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – 136 б.
8. Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. Т.: Меҳнат, 1991. – 60 б.
9. Акрамова Ф.А. Оилада соғлом психологик муҳитни таркиб топтиришнинг ижтимоий-психологик асослари. ўқув-услубий қўлланма.Т., 2014. 185 б.
10. Акрамова Ф.А. ва бошқалар. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Услубий қўлланма. Т.: 2014, 312 б.
11. Акрамова Ф.А.Оилада муомалани ташкил этиш психологияси. Т. : «Шамс АСА», 2006, - 90 б.
12. Давлетшин М.Г., Шоумаров Ғ.Б. Замонавий ўзбек оиласи ва унинг психологик хусусиятлари / Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятлари. Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1993. – Б. 5-11.
13. Йўлдошев М. Оиладаги руҳий муҳит ва унинг тарбияга таъсири. Т.: 2004. 99 б.
14. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. –Тошкент: Маънавият, 1998.123 б.
15. Оила психологияси: Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. / Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида / – Тошкент: “Шарқ”, 2008. – 296 б.
16. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. Эр-хотин орасидаги низоларнинг этнопсихологик хусусиятлари / Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятлари. Илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1993. – Б. 11-25.
17. Ғозиев Э.Ғ. Муомала психологияси. Т., 2001. 140 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
ОИЛА – ТАРБИЯНИНГ МУҚАДДАС ҚЎРҒОНИ.....	4
ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТ ТУРЛАРИ.....	7
ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИ.....	8
ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИДАГИ НИЗО ТУРЛАРИ.....	10
ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИДА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА МАСЛАҲАТЛАР.....	12
ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР.....	15
ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД МУНОСАБАТЛАРИДА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА МАСЛАҲАТЛАР.....	19
ОИЛАДА ҚАЙНОНА ВА КЕЛИН ЎРТАСИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР.....	26
ҚАЙНОНА ВА КЕЛИН МУНОСАБАТЛАРИДА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА МАСЛАҲАТЛАР.....	31
ХОТИМА.....	32
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	34

ФЕРУЗА АКРАМОВА, ЗАМИРА БИЛОЛОВА

**ОИЛАДА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ ПСИХОЛОГИЯСИ**

Услубий қўлланма

Босишга 28.11.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84¹/₁₆.

Ҳажми 2,25 босма табоқ.

Адади 300 нусха.

64-буюртма

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ да чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4- уй.